Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 23 (20.890) 1991 йил 1 февраль, жума ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

● Кеча Москвада КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми очилди.

● Яхши яшаш учун ҳаммамиз яхши ишлашимиз, интизомли ва баҳамжиҳат бўлишимиз керак. Бугунги кундаги вазият шуни тақозо этади. Муҳарририятимизга келаётган хатларда ана шу мақсад ва мазмун етакчи ўрин тутади. (1-БЕТ).

● «Бозор иқтисоднётига ўтиш республикани тараққий эттиришдаги турли-туман камчиликларни йўқотишга, туб иқтисодий ислоҳотни таъминлашга интилсак, ахборотлаштириш соҳасидаги аҳволни тубдан ўзгартиришимиз, унинг ижтимоий-иқтисодий ўзгартириш хусусидан тўлиқ фойдаланишимиз керак» — Ўзбекистон ССР халқ депутати С. Ғуломов «Замон фани ва амалиёт» мақоласида шу ҳақда муштарийлар билан ўртоқлашади. (2-БЕТ).

● Навоийнинг ҳар бир асари жавоҳирлар хазинаси. «Муножот» ҳам бундан истисно эмас, албатта. Мутафаккирнинг инсонийликни улуғловчи фикрлари унинг мағзини ташкил этади.

● Халқ хўжалиги тармоқларида энг кўп ишлатиладиган маҳсулотлардан бири нефть. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, сифатли сақлаш, таъминотчиларга ўз вақтида етказиб бериш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? (3-БЕТ).

● Енгил атлетикани «спорт маликаси» дейишади. Республикамизда енгил атлетикани ривожлантириш ва оммавийлаштириш борасидаги ишлар аҳволи қандай? Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер А. Нормуродовнинг «Имконият бор-у, ҳафсала йўқроқ» мақоласи билан танишсангиз, спортчиларимизнинг ютуқлари-ю, улар олдидаги муаммолар хусусида билиб оласиз.

● Ўзбек рақсларини японялик раққоса қиз ижро этганда... (4-БЕТ).

ТАСС, «Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар берадилар

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Республикамизда

● Халқ қадриятларини авайлаб асраш — аҳиллик, биродарлик, баҳамжиҳатлик, якдиллик ва қўлни-қўлга бериб астойдил ишлаш нечоғлик муҳимлигини бугунги кунда яққол сезиб турибмиз. Аҳиллик бор жойда ҳамиша олға қадам ташланаверади.

● Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда вазиятни барқарорлаштириш, меҳнаткашлар оммасини партия ташкилотлари теварагида жипслаштириш ҳамда партиямиз сафини мустаҳкамлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ.

● Меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган коммунистлар партиясидан бошқа реал сиёсий куч йўқ эканлигини халқимиз жуда яхши тушунади. Бошқа сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро мулоқот, ҳамкорлик қилиш, бунда сўз билан иш бирлигини аниқ мақсадга йўналтириш лозимлигини унутмайлик! Виждонийлик биргаликдаги, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатимизнинг асосий мезони бўлиб қолсин!

ХОТИРЖАМЛИК БАҲОСИ

Куни кеча Президентимиз И. Каримовнинг «Известия» рўзномаси мухбири билан суҳбатда билдирган мулоҳазаларини ўқиб, республика ҳукумати ўзи танлаган аниқ ва собитқадам йўлдан бораётганлиғига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Тўғриси, бундай собитқадамлилик кейинги пайтда амалий ишлар билан янада мустаҳкамланиб бораяпти.

Бунга мисол излаб, узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Бизнинг дон маҳсулотлари комбинатини олайлик. Ўтган даврда республика ҳукуматининг бу соҳага эътиборни кучайтириши туфайли ун ишлаб чиқариш ҳажми анча оширилди, аҳолига нон маҳсулотлари етказиб бериш яхшиланди. Мамлакатимизнинг баъзи минтақаларида нон маҳсулотлари тақчиллиги сезилган бўлса-да, бизда бундай ҳол юз бермади.

Қувонарлиси, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлидаги эзгу ҳаракатлар бу билан чекланиб қолмади. Жумҳуриятимиз раҳбарлари, аввало Президентимиз мамлакатимизнинг бошқа республикаларида ёки минтақаларида нон ва нон маҳсулотларининг нархи ошса-да, бизда оширилмаслигини баралла айтди. Энг муҳими эса, бозор муносабатларига ўтишда жумҳуриятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинишини қатъий таъкидлади.

Бироқ, менимча, бозор иқтисодиёти шароитида биз ҳаммамиз қўлни қовуштириб ўтирмаслигимиз, яхши ишлашимиз, яхши ҳаёт сари интилишимиз, изланишимиз лозим. Бунинг учун эл хотиржам, юрт осойишта бўлиши керак. Дарвоқе, «Известия» мухбири билан бўлган суҳбатда И. Каримов «Мен ўз иш жойимда ҳар бир кунни иқтисодиётдан ёки сиёсатдан эмас, балки республика Ички ишлар вазирлиги маълумотларидан бошлайман» деб халқлар, миллатлар осойишталигини таъминлаш энг муҳим вазифа эканлигини уқдириб ўтди. Сирасини айтганда, ҳозирги мураккаб шароитда хотиржамлик, барқарорлик баҳоси беқиёс. Зеро, юртимизда фақат хотиржамлик бўлгандагина янгиланиш, ўзгариш сари ташлаган ҳар бир қадамимиз муваффақиятли бўлади.

С. ҚУЧҚОРОВ,
Фарғона дон маҳсулотлари комбинатининг цех бошлиғи.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Урганч шаҳар Наримонов кўчаси 96-уйда яшовчи Саид Маҳмудовнинг ҳаёти турли воқеаларга бой экан. Отахон саксон ёшни қаршилаш арафасида. Унинг 40 йили транспорт соҳасидаги хизматга сарфланган. Урушда қатнашган. Москвадан то Кенигсберггача бўлган йўлни босиб ўтди. У урушда ҳам машина ҳайдади. 11 марта яradор бўлиб даволанди, яна жангга қайтди. Жанговар медаль ва орденларга сазовор бўлди.

— Урушдан кейин ҳам автотрестда ишладим, — дейди Саид ота. — Ўтган йиллар мобайнида йўл қоидасини бузганлик ҳақида бирон марта огоҳлантириш олмаганман.

Отахон ҳозирги «тулпорини» 1958 йили хивалик бир дўстидан минг сўмга сотиб олган эди. Ҳозирги пулга чаққанда 100 сўм туради. Лекин уни айни кезда бебаҳо ҳисоблайди. Доимо у билан бирга, оғирини енгил, узоғини яқин қилади. Уни 1929 йил 5 май куни Молотов номли заводда тайёрлашган эди. Исми «ГАЗ-А». Шунга қарамай отахон юмушларига яраб турибди.

Суратда: Саид ота Маҳмудов ўз машинаси билан.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

● АДОЛАТ

ПАРТИЯГА ТИКЛАНИШДИ

«Пахта иши» туфайли партиядан ўчирилган, айбсиз қамоқ ва бошқа жазоларга тортилган кишилар Қўрғонтепа районида 22 кишини ташкил этади.

Район партия комитети қошидаги назорат тафтиш комиссияси раёсати ана шу ноҳақ айбланган кишиларни оқлаш, коммунистларни партия сафига тиклаш масаласига вилоятда биринчи бўлиб киришди. Комиссия қошида 12 кишилик гуруҳ тузилди. Яқинда ана шу гуруҳ вакиллари ва тафтиш комиссияси раёсатининг қарори билан «Комсомол» жамоа хўжалиги правлениесининг раиси Сайдали Болтабоев ва «Қаҳрамон» жамоа хўжалигининг собиқ раиси Муҳаммаджон Сиддиқов партия сафига қайта тикланиб, аъзолик билетларини қайтариб олдилар.

С. ИСМОИЛОВ.

ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР

Тошкентда ишчи Эргаш Миралимовлар сулоласини кўпчилик танийди. Бу сулола вакиллари «Таштекстильмаш» заводини тиклашда тамал тошини қўйган оилалардан бири ҳисобланади.

— Ўшанда уруш йиллари эди, — дея эслайди Эргаш ака, — Ростов машинасозлик заводи Тошкентга кўчириб келтирилди. Мен ҳам акам Юнус билан бу ерга ишга кирдик.

Урушдан кейин мазкур завод енгил саноат учун ускуналар тайёрлаб берадиган корхонага айлантирилди. Эргаш ака бошқа ёққа бормади. Шу ерда — ремонт-механика цехида ўзи севган токарлик касбини давом эттирди.

— Эргаш ажойиб инсон, — дейди кекса ишчи Алексей Пак. — У билан завод ишга тушгандан буён бирга ишлайман. Ҳеч вақт ўзи билган нарсани ёшларга ўргатишдан чарчамайди, сидқидилдан ишлайди. Биз иккаламиз пенсияга чиққан бўлсак-да, жонажон цехимизни ҳалигача тарк этганимиз йўқ.

«От ўрнини той босар» деганлари тўғри экан. Бугунга келиб ота изидан унинг фарзандлари Қўчқор ва Ботирлар боришяпти. Улар ҳам шу заводда ишлаб, оила анъанасини давом эттиришмоқда.

Б. ИМОМОВ,
Тошкент шаҳри.

МАКТАБЛАР ДЎСТЛАШМОҚДА

● Андижонга Ўш шаҳридаги 21-мактаб муаллимларининг бир гуруҳи келди. Улар 31-мактабдаги ўз ҳамкасблари ҳузурида меҳмон бўлишди.

Икки мактаб ўртасидаги ҳамкорлик анчадан буён давом этмоқда. Кузда андижонлик ўқитувчилар ўз қирғиз ҳамкасблари ҳузурига боришган эди. Муаллимлар бундай учрашувларда таълимнинг техника воситалари билан танишишмоқда, намунали дарслар ўтишмоқда.

Бу галги ташриф чоғида қирғизистонлик ўқитувчилар очиқ дарслар ўтказишда, юқори синф ўқувчиларининг «Қувноқлар ва зукколар» беллашувида, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг спорт мусобақаларида иштирок этдилар.

БИРГАЛИКДАГИ РЕЖАЛАР

● Тошкентда СССР маданият вазирининг биринчи ўринбосари Ю. У. Фохт-Бабушкин билан Ўзбекистон ССР маданият вазири Н. Е. Ғоибов 1991 йилда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар.

Ҳужжатга истиқболда маданият ва санъат соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг қўшма режалари киритилди. Илгари Иттифоқ ва республика вазирликларининг ўзаро муносабатларида кўз илғамас даражада бўлсада бошлиқ ва тобелик бор эди. Энди муносабатларни тенг ҳуқуқли шериклик асосида қуриш мўлжалланмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, 14 саҳифадан иборат бу ҳужжат дарҳол, гап-сўзсиз қабул қилинмади. У дастлаб жумҳурият маданият ходимлари орасида муҳокама қилинди, барча мулоҳазалар ва таклифлар диққат билан тингланиб, ўрганиб чиқилди. Шундан кейин қўшимчалар киритилди. Хусусан, Алишер Навоий юбилейининг 550 йиллигини пойтахтда кенгроқ нишонлаш, мамлакатдаги энг катта маданият муассасаларидан бирига буюк ўзбек шоирининг номини бериш, халқ ижодиётини ривожлантириш шулар жумласидандир. Хива ва Бухородаги жаҳон аҳамиятига молик тарихий ва маданий ёдгорликлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам ҳужжатга киритилган қўшма тадбирлар орасидан жой олди.

ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ҲИСОБИДАН

● Косон районидаги «КПСС XXII съезди» жамоа хўжалигининг 30 нафарга яқин аъзоси мамлакатнинг Европа қисми бўйлаб саёҳатга жўнаб кетди. Сафар ҳақини хўжалик тўлади.

— Одамларнинг саҳат-саломатлиги, турмуши ва бўш вақтига алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди жамоа хўжалиги касаба уюшмаси комитетининг раиси И. Ўринов. — Ҳозир саёҳатчиларнинг яна бир гуруҳини тузяпмиз. Қирқдан ортиқ киши Самарқандга боради.

Ўтган йили 50 дан ортиқ киши санаторий ва дам олиш уйларида саломатлигини тиклади. Барча йўлланмаларга жамоа хўжалиги ҳақ тўлади.

Ҳозирги шароитда бошланғич ташкилотларнинг аҳамияти

● Бухоро вилоятида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг зонал семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар кенгашда Қоракўл, Олот ва Свердлов районларидаги бошланғич ташкилотларнинг икки юздан зиёд раҳбари иштирок этди.

Кенгаш қатнашчилари партия қўйи бўғинларининг аниқ-равшан ижтимоий муҳим ишларни ҳал этишдаги ўрни ва вазифаларини муҳокама қилдилар. Нутқларда партия комитетларининг партия ички турмуши масалаларини ҳал этишдаги иш шакллари ва усулларини янгилаш, ҳозирги шароитда мафкуравий, оммавий-сиёсий ишдаги вазифалар ва янгича ёндашувлар мавзулари кўтарилди. Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави юзасидан шарҳлар берилди.

Семинар ишида Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Е. А. Новожиловлар қатнашдилар.

Семинар иштирокчилари Қоракўл нахта заводи бошланғич партия ташкилотининг иши билан танишдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Иттифоқимизда

КПСС Марказий Комитети билан Марказий Назорат комиссиясининг қўшма Пленуми

КПСС Марказий Комитети билан Марказий Назорат комиссиясининг қўшма пленуми 31 январь куни Москвада иш бошлади. Пленумда ҳозирги пайтнинг долзарб жиҳатлари, шунингдек ички сиёсий турмушга оид бир қанча масалалар муҳокама қилинмоқда.

Пленум ишида иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг, жумҳурият, ўлка, вилоят ва округ партия комитетларининг биринчи котиблари, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари ва Марказий назорат комиссияларининг раислари, ҳарбий округларнинг қўмондонлари ва сиёсий бошқармаларнинг бошлиқлари, КПССдан сайланган ва партия марказий сайлов органлари таркибига кирмаган СССР халқ депутатлари қатнашмоқдалар.

Қўшма Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди.

(ТАСС).

ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛАШ—ЗАМОН ТАЛАБИ

КПССнн жамиятнинг долзарб муаммолари сари янада зўр ғайрат билан бориш, унинг барча тузилмаларида ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш, сиёсий ҳаракатларнинг янги тажрибасини эгаллаш масалалари иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетлари, жумҳурият, ўлка вилоят партия комитетлари биринчи котибларининг 30 январь куни Москвада бўлиб ўтган кенгаши диққат марказида бўлди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин маъруза қилди. Кейинги вақтларда партия ўз сафларини жипслаштириш учун муҳим чора-тадбирларни кўриб, танлаб олинган социалистик йўлни изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, бу нарса ҳаддидан ошган бузғунчи, экстремист кучларнинг дидига ёқмади, антикоммунизм ва айирмачилик жазавасини авж олдирди. Мана шундай шароитда партия ўз имкониятлари ва ўз сиёсий кучига етарли баҳо бермасликдан халос бўлмоғи керак.

Мамлакатдаги танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш юзасидан мамлакат Президенти таклиф қилган ва СССР халқ депутатлари IV Съезди маъқуллаган биринчи галдаги чора-тадбирлар амалий ишнинг марказига қўйилиши лозим. Бунда гап иттифоқни демократик тарзда янгилаш ҳақида, иқтисодиётни барқарорлаштириш режасини биринчи галда амалга ошириш асосида бозор муносабатларига ўтиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш ижроия ҳокимияти идораларининг самарали тизимасини шакллантириш ҳақида бормоқда. Бундай чора-тадбирлар вужудга келган вазиятда одамларнинг орзу-умидига мос бўлиб тушади, шу чора-тадбирларни кўрмай туриб, жамиятнинг бундан буёнги демократик ҳаракатини йўлга қўйиб бўлмайди.

Сўнгра маърузачи КПССнинг ижтимоий-иқтисодий вазиятни нормаллаштириш соҳасидаги фаолияти стратегияси ва тактикасининг энг муҳим масалаларига тўхталди. Бу соҳада кўп нарса партиянинг Советлар билан ҳамкорлигига боғлиқ. Улар орасидаги муносабатлар қарама-қарши туриш билан эмас, балки ҳамжиҳатлик билан белгиланмоғи лозим. Парламент иш тажрибасини фаол ҳосил қилиш зарур. Партия оммавий ҳаракатларда, касаба уюшмаларида, комсомолда, фахрийларнинг ташкилотларида таянчга, ишчи ва деҳқонлар орасида, хотин-қизлар ташкилотларида таъсирга эга бўлиши керак. Партиянинг сиёсатини зиёлилар кенг миқёсда қўллаб-қувватламаса, КПССнинг тўлақонли ҳаёт фаолиятини тасаввур этиш қийин. Коммунистларнинг куч-ғайратини барча поғоналарда забардаст иш қобилиятига эга бўлган ва обрў-эътиборли давлат ҳокимиятини яратишга ҳам қаратмоқ керак. Иттифоқни сақлаб қолиш ва янгилаш, янги Иттифоқ шартномасини тузиш мақсадида партия комитетлари жуда катта ва қийин вазифаларни ҳал этишлари лозим.

О. С. Шенин бошқа сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлик ҳақида гапириб, қонунийлик, сиёсий усуллар, мулоқот ва муносабат, зўравонликдан сиёсий кураш воситаси сифатида воз кечиш, виждонлилик мана шундай ҳамжиҳатликнинг қоидалари эканини таъкидлади.

Кенгашда КПСС Ленинград вилоят комитетининг биринчи котиби Б. В. Гидаспов, КПСС Камчатка вилоят комитетининг биринчи котиби В. Я. Абаев, КПСС Мари жумҳурият комитетининг биринчи котиби Г. А. Посибеев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг (КПСС) биринчи котиби М. М. Бурокявичюс, КПСС Орел вилоят комитетининг биринчи котиби Н. А. Володин, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. П. Рубикс, КПСС Оренбург вилоят комитетининг биринчи котиби А. Ф. Колиниченко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби Е. С. Строев, КПСС Волгоград вилоят комитетининг биринчи котиби А. М. Анипкин, Украина Компартияси Харьков вилоят комитетининг биринчи котиби А. К. Мялица, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, КПСС Чита вилоят комитетининг биринчи котиби Н. В. Мерзликин, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи котиби С. А. Маркаров, Украина Компартияси Львов вилоят комитетининг биринчи котиби В. В. Секретарюк сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

(ТАСС).

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ЗАМОН ФАНИ ВА АМАЛИЁТ

Шу куннинг долзарб вазифалари

● Барча бошқариш босқичларида умумий фойдаланадиган ҳисоблаш системаларининг минтақавий тармоқларини яратишнинг ташкилий-методологик ва методик асосларини ишлаб чиқиш лозим.

● Раҳбарларда, ҳар бир қишида замонавий иқтисодий фикрлаш туйғусини, иқтисодий маданиятни шакллантириш керак.

● Қўшма корхоналар орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ғоят муҳимдир.

Шундай ўринли савол туғилади. Бутун мамлакатимизда, жумладан жумҳуриятимизда «Бозор иқтисодиётига ўтишдан нима кутяпсиз?» деган саволга кўпчилик «Нархнаво ошади, ишсизлик кўпаяди, турмуш оғирлашади» деб жавоб бермоқда. Бу мамлакатимизда юз берган иқтисодий, снёсий ва ижтимоий соҳалардаги инқирознинг акс-садосидир.

Бундай мушкул аҳволдан чиқишнинг ягона йўли, бошқариладиган бозор муносабатларига ўтишдир. Маъмурий-буйруқбозлик системаси ўрнини хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти системаси эгаллаши лозим. Зотан, бозор иқтисодиёти тарихий синовдан ўтган йўл бўлиб, жаҳоннинг барча илғор мамлакатлари, ижтимоий-иқтисодий, фан-техника тараққиёти юқори босқичига ана шу йўл орқали эришганлар.

Бозор муносабатлари ва бозор механизмини жорий этишнинг энг асосий омили жамиятни бошқаришга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этишдир. Бу ходимларни фирма ва концернларнинг бошқарув фаолиятига, шунингдек, ўз-ўзини бошқариш органлари ишига жалб этиш йўли билан амалга оширилади. Аҳолини ижтимоий-снёсий қарорлар қабул қилишга жалб этиш жамиятни ахборотлаштиришга асосланади. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан жамиятни ахборотлаштиришнинг мавқеи ва аҳамияти беқиёс ортади. Уни тараққий топтириш кўп жиҳатдан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг миқёси ва самарадорлигига боғлиқ. Бунинг учун янги ахборотлаштириш (информатика) тармоғини ташкил этиш лозим. Жамиятни ахборотлаштиришни ўзининг аҳамияти бўйича рамзий маънода ҳозирги энергетика системасига қиёслаш мумкин. Фақат мана шу асосдагина аҳолини билимли, жаҳон фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд қилиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг амал қилиши ишлаб чиқариш кучларининг инқилобий тараққиётига, инвестицион ва структуравий снёсатнинг тубдан ўзгаришига боғлиқ. Бозор механизми фан, техника ва технология соҳасидаги прогрессив силжишларни ўта ҳушёрлик билан кузатиб боришни тақозо этади. Айни вақтда бозор муносабатлари шароитида бозор дастури ва бошқариши бўйича, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш снёсатини амалга ошириш бўйича хулосалар ишлаб чиқиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Бу вазифалар турли даражадаги ходимлар иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва ижтимоий ахборотлар билан таъминланган ҳолдагина муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин.

Ҳозирги шароитда, айниқса, келгусида жамиятни ахборотлаштириш орқалигина меҳнат буюмлари ва қуролларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартиришга, ишчи кучлари таркибида инқилобий ўзгаришлар қилишга эришилади. У шунингдек, меҳнатнинг мотивацияси жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, яъни шахснинг муайян эҳтиёжларини қондиришга интилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятга бўлган интилиш омилларини ўрганиш имконини беради. Бунинг асоси эса фақат ЭҲМ ёрдамида тўпланган, қайта ишланган, тақдим этилган аниқ, ишончли ахборотлардир.

Бозор иқтисодиётига хизмат қилувчи ахборотларни қайта ишлаш ва тарқатишнинг замонавий системасини яратиш ва жорий этиш — бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик системасидан иқтисодий усулларига ўтишнинг энг тўғри йўлидир. Жамиятни ахборотлаштиришгина, волюнтаристик қарорлар қабул қилишдан сақлайди.

Жамият компьютерлар билан таъминлангандагина бу янги тармоқ барпо этилиши мумкин. Бу аҳолини замонавий технология, фан-техника тараққиётининг янги ютуқлари билан таништириш имконини беради. Нисбатан қисқа муддатларда жамиятимизнинг бир қанча жиддий ижтимоий-снёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, экологик ва бошқа масалаларини ҳал этиш имконини туғилади. Зотан, уларни ҳал этишнинг бошқа мамлакатларда тўпланган ва синовдан ўтган тайёр андозаларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Масалан, жумҳуриятимиздаги бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шарт-шароитлари Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг (Таиланд, Малайзия, Индонезия, Филиппин, Жанубий Корея ва бошқалар) яқин ўтмишдаги аҳволига мос келади. Бинобарин, ахборот шохобчалари орқали ана шу мамлакатлардаги бозор муносабатларининг ривожи ҳақида ахборотлар олиб, жумҳурият халқ хўжалигининг бошқариладиган бозорга ўтишида фойдаланиш мумкин.

Бозор механизмидан фойдаланишнинг дастлабки босқичида Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларидан менежер-маслаҳатчилар таклиф этиш зарурияти ҳам жамиятни ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг зарурлигини тақозо этмоқда. Бу мутахассислар замонавий алоқа воситалари ёрдамида ишлашга ўз фаолиятида жаҳон маълумотлар банкида сақланаётган ахборотлардан фойдаланишга одатланишган. Бу менежер маслаҳатчилар уларга ҳозирги замон маълумотлар банкидан фойдаланиш учун шароит яратиб берилмас экан, жумҳуриятимизда ишлашга розилик бериши амри маҳол.

Ахборотлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан ҳам узвий боғлиқ. Бусиз корхоналаримиз чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қила олмайдилар, жаҳон бозорига чиқиб, валюта даромадларидан самарали фойдалана олмайдилар. Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни чуқур таҳлил эта оладиган, халқаро молия ва валюта, кредит муносабатларини яхши биладиган, маркетинг ва менежерлик бўйича чет тилларни эгаллаган кадрлар тайёрлашга киришиш лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизда чет тилларни ўқитиш ва ўргатишга етарли эътибор берилмайди. Ваҳолонки, кўпчилик араб давлатларида инглиз, француз ва немис тиллари пухта ўқитилади. Зотан, фан-техника ана шу тилларда яхши ривожланган. Компьютерлар тили ҳам ана шу тилда. Бу тилларни ўргатишни яхши йўлга қўйиш лозим. Хусусан, телевидение орқали доимий ўқувлар ташкил этиш керак.

Бу соҳада Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳида муайян ишлар олиб борилмоқда. 1990 йилда халқаро ижтимоий алоқалар куллиёти ташкил этилиб, 1-3 курслардан чет тилларни пухта биладиган 200 шогирд танлаб олинди. АҚШ университетларининг яқиндан ёрдами билан бизнес мактаби очилди. Маркетинг, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар, эркин кредит-валюта муносабатлари, ташқи иқтисодий алоқалар ҳисоб китоби ва таҳлили каби кафедралар ташкил этилди. Бундан ташқари махсус факультетларда бозор назарияси ва практикаси, маркетинг ахборот хизмати, чет тиллар бўйича мутахассислар малакаси ошириляпти.

Ҳозирги пайтда биз иқтисодчиларни ўқитишнинг компьютерли технологияси концепцияси устида иш олиб боряпмиз. У бу масалани ҳал қилишнинг аниқ мақсади ва принципларини белгилаб беради. Методика, техника ва дастур билан таъминлайди. Ёшларни автоматлаштирилган иш жойларида ахборот-ҳисоблаш воситалари билан малакали ишлашга тайёрлайди. Масалан, олийгоҳимизда 100 дан ортиқ замонавий якка тартибдаги компьютер бўлиб, улардан талабаларни ўқитишда самарали фойдаланилмоқда.

Ҳар хил даражадаги кўп раҳбарларимизнинг муқобил қарорлар қабул қилишда илмий-техника революцияси ютуқларидан фойдаланишга тайёр эмасликлари ва ҳатто улардан фойдалана билмасликлари ахборот бериш вазифаларини ҳал қилишда жиддий тўсиқдир. Бу эса жуда қимматга тушмоқда. Кўп раҳбарларнинг иқтисодий маданияти пастлиги, иқтисодий фикрлашлари қотиб қолганлиги ва ҳатто ЭҲМ рақобатидан қўрқишлари янги қийинчиликларни туғдиради, ахборот беришнинг кенг ривожланишига, республика ҳаётининг барча томонларини қамраб олишига имкон бермайди. Маъмурий-буйруқбозлик, субъективизм, волюнтаризм, расмиятчилик каби оғир касалликлар илмий-техника тараққиётининг ана шу муҳим йўналишига, айниқса, салбий таъсир кўрсатди.

Ахборотлаштириш системаларини ишлаб чиқиш, уларни дастурлар билан таъминлаш принципларининг йўқлиги ҳозирча қиммат турадиган ва кўпинча валютага сотиб олинадиган ЭҲМдан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда. Шунинг учун **барча бошқариш босқичларида умумий фойдаланиладиган ҳисоблаш системаларининг регионал тармоқларини яратишнинг ташкилий-методологик ва методик асосларини ишлаб чиқиш лозим.**

Ахборотлаштириш соҳасидаги тадқиқотларни уйғунлаштиришни тубдан яхшилаш лозим. Ҳозирча бундай уйғунлаштириш академия қарашли муассасаларда ҳам кучсиз амалга оширилмоқда.

Раҳбарларда, кенг меҳнаткашлар оммасида замонавий иқтисодий фикрлаш туйғусини, иқтисодий маданиятни шакллантириш керак: бунинг учун эса иқтисодий таълимни ҳар томонлама ривожлантириш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамиятни компьютерлаштириш иккинчи томондан қўшма корхоналар ташкил этиш ва ишлаши билан боғлиқ. Ҳозирги иқтисодий жиҳатдан мушкул аҳволда қўшма корхоналар — илғор техника ва технология билан қуролланиш ва жаҳон бозорига чиқишнинг ягона йўлидир. **Бизнинг жумҳуриятимиз жуда ноёб табиий иқлимий шароитга ва меҳнаткаш аҳолига эга. Бу бой имкониятлардан қўшма корхоналар орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида фойдаланиш мумкин. Вазифа ана шундай ҳамкорлик қиладиган корхоналар ва корхоналарни қидириб топишдан иборат. Бундай қўшма корхоналарни фақат саноат соҳасидагина эмас, қишлоқ хўжалигида ҳам барпо этиш мумкин.** Бизнинг иқлим ортиқча маблағ ва харажатларсиз йил бўйи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш иконини беради.

Навбатдаги муаммолардан бири оммавий ахборот воситаларини демонополизация қилишдан иборат. Ҳозирги кунда қарийб барча рўзнома, ҳафтанома ва ойнома ҳамда телевидение мафкуравий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган. Зотан, бунинг нафини ортиқча сезмаяпмиз.

Ваҳолонки оммавий ахборот воситалари биринчидан, аҳолининг билим савиясини ошириш ишида катта наф келтириши мумкин. Бунинг учун, масалан, телевидение орқали кишиларни ҳозирги замон агротехникасига, ер ресурсларидан самарали ва омилкорона фойдаланиш бўйича туркум эшиттиришлар уюштириш мумкин бўлур эди. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда (масалан, Ҳиндистонда) телевидение ёрдамида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга эришилди. Бизнинг деҳқонларимиз эса хўжалик юритишнинг оддий замонавий ускуналарини ҳали ўзлаштира олишмаган.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мумкин. Аҳолининг кўп жиҳатдан гигиена, тиббий соҳаларда саводсизлиги сариқ ва бошқа касалликлар билан оммавий касалланишга олиб келмоқда.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш юксак малакали кадрлар бўлишини тақозо этади. Чунки янги шароитда маҳсулотни янгилаб бериш жараёни ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг таркибини ўзгартириб бориш доимий характер касб этади. Фақат юксак малакали мутахассисларгина замонавий техника ва технологияни бошқариши, илмий-техника тараққиётининг ютуқларидан тўла фойдаланиши, шулар асосида меҳнат унумдорлигини оширишга эришиши мумкин. Инсониятнинг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, жисмоний қувват инсон турмуш даражасини бир-икки марта оширишга қодир бўлса, билимни беш-олти марта ошириш мумкин экан. Масалан, аҳлий меҳнат юксак ривож топган Японияда бир килограмм металлдан битта магнитофон яратилиб 20 мингга сотилаётган бўлса, бизда бир килограмм металлдан бир сўмлик маҳсулот тайёрланяпти. Демак, турмуш фаровонлигини оширишнинг негизи билим даражасининг юқори омилидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш республикани тараққий эттиришдаги турли-туман камчиликларни йўқотишга, туб иқтисодий ислоҳотни таъминлашга интилсак, ахборотлаштириш соҳасидаги аҳволни тубдан ўзгартиришимиз, унинг ижтимоий-иқтисодий ўзгартириш хусусидан тўлиқ фойдаланишимиз керак.

С. ҒУЛОМОВ,
Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳи ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

САЙЁРАМИЗДА

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАРЛАРИДАН

СССР ПРЕЗИДЕНТИ—1990 ЙИЛНИНГ «ЭНГ ЯХШИ ХАЛҚАРО СИЁСИЙ АРБОБИ»

● Шу йил январь ойида ОТР ИС компанияси Испанияда ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш якунларига кўра, СССР Президенти М. С. Горбачев 1990 йилнинг «Энг яхши халқаро сиёсий арбоби» деб топилди. Савол-жавоб натижалари Испанияда чиқадиган «Панорама» ойномасининг сўнгги сонида эълон қилинди.

Фикри сўралганларнинг 72,5 фоизи бир овоздан Совет раҳбарини ўтган йилдаги энг атоқли хорижий сиёсат арбоби деб атади. Шу муносабат билан «Панорама» савол-жавоб натижалари М. С. Горбачевнинг ўтган йил октябрь ойида Испанияга қилган расмий ташрифи жуда катта муваффақият қозонганини, у испанияликларга ёқиб қолганини ҳам акс эттирганлигини таъкидлайди.

Савол-жавоб якунларига қараганда, ундан кейинги ўринларни ўз машҳурлик даражасига кўра АҚШ президенти Жорж Буш (18 фоиз), ГФР канцлери Гельмут Коль (6,2 фоиз), Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер (3,7 фоиз) ва Франция президенти Франсуа Миттеран (3 фоиз) эгаллади.

БОЛТИҚБЎЙИДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

● ГФР канцлери Гельмут Колнинг фикрича, Болтиқбўйи республикаларидаги танглик эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб қилади.

Бу нуқтаи назарни, деб хабар қилади ДПА агентлиги, канцлер ХДС-ХСС фракциясининг бундестагда бўлиб ўтган мажлисида билдирди. Шу билан бирга, канцлернинг айтишича, бу мазкур республикалар талабларига етарлича баҳо берилмаётганини билдирмайди.

Бонн Совет Иттифоқи «Икки плюс тўрт» формуласи асосида ўтказилган музокаралар чоғида ишлаб чиқилган Германияга муносабатни узил-кесил барқарорлаштириш тўғрисидаги шартномани кучга киритишидан ҳам манфаатдордир. ГФР канцлери собиқ ГДР ҳудудида жойлаштирилган совет қўшинлари илгари белгиланган 1994 йил охиригача бўлган муддатдан олдин олиб чиқиб кетилиши эҳтимолини мустасно қилмади.

ФОРС КЎРФАЗИ: УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

● Америкаликларнинг кўпчилиги аввалгидек Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатишни қўллаб-қувватламоқда, бироқ Форс кўрфазидаги воқеалар ривожига уларнинг баҳо беришидаги некбинлик аста-секин ўз жойини умидсизликка бўшатиб бермоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Си-Би-Эс телекомпанияси билан биргаликда ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш маълумотлари ана шундан далолат бермоқда.

Ўтган якшанба ва душанба кунлари телефон орқали савол берилган 1173 америкаликдан 70 фоизи «АҚШ Ироққа қарши уруш ҳаракатларини бошлаб тўғри иш қилди» деган. Бундан бир ҳафта муқаддам худди шундай умуммиллий сўрови ўтказиш чоғида унда қатнашганларнинг 76 фоизи юқоридаги фикрга қўшилган эди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг фикрича, кўпгина америкаликларнинг ўз президентига муносабатидаги айрим ўзгаришлар уларнинг Ироқ устидан тезда ғалаба қозонишга умидларининг сўниши билан изоҳланади.

● Форс кўрфазидаги уруш ҳаракатлари давом этмоқда.

СУРАТДА: америкалик солдатлар кимёвий уруш бошланган тақдирда шундай ҳимояланиш либосларини кийишади.

АП—ТАСС телесурати.

ИШСИЗЛИК КЎЛАНКАСИ

Бугунги кунда ишсизлик ҳақида гапириш аввалгидек «махфий» бўлмай қолди. Кундан-кунга нарх-наво ортиб, иқтисодий танглик вужудга келаётган бир пайтда одамларнинг ишсиз, моддий қийналиб яшашга мажбур бўлиши, албатта, яхшилик келтирмайди. Қаерга борманг, шу муаммога дуч келасиз. Худди шундай ташвиш халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши ижроия қўмитасида ҳам бор. Бошқарманинг бўлим бошлиғи Иброҳимжон ЖАЛИЛОВ бу ҳақда жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Бошқармамиз ташкил қилинганига ўн ойдан ошди. Даставвал биз вилоятда иш билан банд бўлмаган аҳолини Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 20 ноябрдаги 390-қарорига биноан рўйхатдан ўтказдик. Бунда аҳолининг таркибини соҳалар бўйича алоҳида ҳисобга олдик. Масалан, шаҳар, районлар бўйича тақсимоти ва ҳисобга олинганларнинг ёши, жинси, миллати, маълумоти, касб-ҳунари, иш билан банд бўлмаслик муддати ҳамда сабаблари, шунингдек, уларнинг ишлаш истаги, қаерда ишлаш хоҳиши, ишга жойлашиш шартлари ва ҳоказолар...

— Кечирасиз, фикрингизни бўлдим, айтингчи, вилоятда умуман ишга яроқли ёшдаги қанча аҳоли бор? Уларнинг қанчаси пенсионер ва ногиронларни ташкил қилади?

— Уйма-уй юриб ҳисобга олиш жараёнида 868675 нафар меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли рўйхатга олинди. Улардан 11588 нафари I ва II гуруҳ ногиронлари, 11545 нафари эса имтиёзли пенсионерлардир. Агар буларни ҳисобга олмаган ҳолда меҳнатга лаёқатли жами аҳолини ҳисоблаганимизда 841539 кишини ташкил қилади.

— Иш билан банд бўлмаган аҳоли қанча эканлиги тўғрисида аниқ маълумот борми, уларни ишга жойлаштириш масаласи қандай кетмоқда?

— Ишсизлар вилоятимизда 50617 нафарни ташкил қилади. Бу ўтган йиллар мобайнидаги ҳисоб-китоблардагидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Иш билан банд бўлмаганлардан 1924 киши ҳайдовчи, 529— механизатор, 2065 — тўқувчи, 12136 — тикувчи, 499 киши слесарлик касб-ҳунаридаги эркак ва аёллардир. Бошқармамиз томонидан корхона, ташкилот ва хўжаликлардаги мавжуд бўш иш жойларини аниқлаб, уларга 6394 кишини жойлаштирдик. Бундан ташқари жумҳуриятимиздан ташқарига доимий яшаш ва ишлаш учун кўчиб кетаётган онлаларга ҳам кўмак бераётирмиз. Шу йилнинг ўтган ойларида РСФСРнинг Калинин, Кострома ва Рязань вилоятларига 44 та оила кўчирилди. Худди шундай ишчи кучига зарурат сезаётган вилоятимизнинг Балиқчи ноҳиясидаги Максим Горький номли шўро хўжалиги, Комсомолобод ноҳиясидаги хўжаликларга, Ленин ноҳиясидаги «Партия XX съезди», Пахтаобод ноҳиясидаги «Гулистон» ҳамда «Маданият» совхозларига хўжаликларнинг таклифи билан 106 та оила кўчирилди.

— Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг тегишли қарори бўйича 1990 йилда 34,9 минг киши жамоат ишлаб чиқаришига жалб қилиниши режалаштирилган экан. Йил якунланди, айтингчи, ҳозиргача ишга жойланганлар қанча кишини ташкил қилади ва улар қайси меҳнат турлари бўйича ишга жойландилар?

— Бугунги кунгача янги қурилишлар, сменалар сонини орттириш, уйда ишлашни ташкил этиш, кооперативларни ривожлантириш ва шартнома усулида аёлларни жамоат ишлаб чиқаришига жалб қилиш ҳисобига 15 минг киши ишга жойлаштирилди. Бу, албатта белгиланганидан оз кўрсаткич. Қурилишларнинг чўзилиб кетиши, иш билан банд бўлмаганларнинг кўпчилиги аёллар эканлиги ва қатор ишлаб чиқариш, корхона, ташкилотларда маклашяпмиз.

— Жумҳуриятимиз 1991 йилдан бошлаб бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтади. Вилоятимизда ишсизлар яна ҳам кўпайса керак?

— Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтганимизда вилоятимизда ишсизларнинг сони ҳозиргига қараганда анча ортади. Бу биринчи навбатда ишлаб чиқариш жойларида ўзаро рақобатнинг авж олиши ва бошқа сабаблар билан боғлиқ.

Бошқармамизнинг бундай вазиятга тайёргарлиги борми? Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиётига бирданига эмас, босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда. Бундай пайтда кичик корхоналар ташкил қилиш, уйда ўтириб ишлаш ва юқорида айтиб ўтганимдек, кооперативлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги қурилишларни бошлаш, хуллас иш жойларини кўпайтириш лозим бўлади. Бошқармамизнинг ҳозирги вазиятдаги фаолияти ана шуларга асосланган.

Суҳбатдош Т. ШЕРМАТОВ.

Йўловчилар учун

Қашқадарё вилоятидаги Ульянов райони маркази яқинида ўтган серқатнов автомобиль йўли ёқасида замонавий дам олиш жойи ишга туширилди.

●

Бу ердаги чойхона ва ресторан чарчаган ҳайдовчилар ва йўловчилар хизматига тайёр. Бу ерда ёзнинг жазирама иссиғида дам олса бўладиган катта айвон ҳам бор. Узоқ йўлга қатновчи ҳайдовчилар ва автосайёҳлар учун йигирма кишига мўлжалланган меҳмонхона қурилган. Табиийки, автомобилларни қўядиган жой масаласи ҳам ҳал қилинган: ҳайдовчилар унча қиммат бўлмаган нарх эвазига бу жойга ўз транспорт воситаларини қўйиб, хотиржам дам олишлари мумкин. Дам олувчилар ўзлари палов, шўрва ва бошқа миллий таомлар тайёрлашлари мумкин.

Дам олиш жойининг ёнгинасида ёнилғи қуйиш бекати ҳамда машиналарга техник хизмат кўрсатиш устахонаси жойлашган.

Қўриқ Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Косон районларида ҳозирнинг ўзидаёқ бир нечта ана шундай дам олиш жойлари ишлаб турибди.

(ЎзТАГ).

ХУМСОНГА БОРГАНМИСИЗ?

Қишлоғимизнинг номи Хумсон. Унинг табиат манзаралари, чиройига қараб иккинчи Швейцария дейишади. Қишлоқнинг сўлим табиати, зилол булоқлари, шўх оқар Угом дарёси... Йилт этиб баҳор келиши биланоқ то кеч кузгача бу ердан шаҳарликларнинг оёғи узилмайди. Улар дарё бўйларига чодир қуриб, зилол сувларда чўмилиб, соя-салқинда дам олиб, тоза ҳаводан нафас олиб роҳатланиб кетадилар.

Бироқ, уйлар тўла нон, оч наҳорим... деганларидек сув бўйида суёғ зор яшаяпмиз, десак эҳтимол ношукрлик бўлмасмикан...

Ҳа худди шундай. Дарё қишлоқ этагидан ўтади. Кўрмасангиз, ундан сув ташишнинг ўзи бўлмайди. Сув эса инсон учун ҳар лаҳза зарур. Кир ювишдан тортиб, молларни суғоришгача, хамир қоришдан тортиб, айниқса ёз ойлари ҳовли, кўчаларга сув сепиб ораста қилишгача, болаларни ювинтириб, озода тутишгача, ҳамма-ҳаммасига сув керак, сув... Сув эса қишлоқда тиллога тенг. Ҳар йили эккан экинларимиз саратонда қовжираб, дов-дарахтлар эса қурий бошлайди. Қишлоқда яшаб туриб, сабзи, пиёз, помидор, бодринг, карам каби сабзавотларни шаҳардан ташиб келиб, истеъмол қиламиз. Тепаликдан келаётган оқава сувларнинг йўлини хонадонларга тўғрилаб тунлари мижжа қоқмай, экинлар суғорилади. Навбат бир ойда бир келса келади, келмаса йўқ. Баъзида шу сув деб қўни-қўшнилар ўзаро нари-бери бўлиб қолишади.

Ёз ойлари дам олишга келган шаҳарликлар қишлоқ аҳолисининг аҳволини кўриб куйинишади. Сув тўла идишлар ортилган эшакларни ҳайдаб бораётган эркакларни, елкаларида обкаш, қўлларида зил-замбил челак кўтарган қиз-жувонлар, кампирларни кўриб раҳмилари келаётганини ҳис этамиз. Бу табиий. Ахир дарёдан сув ташишнинг машаққатини жумракни бурашинг билан шариллаб тушадиган сув қиммати билан қиёслаб бўлармиди? Бу қийинчиликка эса қишлоқ одамлари ҳар куни, ҳар он дуч келадилар. Қишлоқда дам олувчилар орасида оддий кишилардан тортиб, масъул лавозимларда ишлайдиган раҳбарларгача топилади. Шуниси таажжубки, улар ҳумсонликлар аҳволига оддий томошабинликдан ёки ачинишдан нарига ўтмайдилар. Янаги йил яна дам олишга келадиган жойимизку, деб қишлоқни ободонлаштириш учун ёрдам қўлларини чўзмайдилар. Дарё бўйлари, соя-салқин кўкаламзорлар уларнинг ташландиқ қоғозларига, бўш ва синиқ шиша идишларига, ахлатларига ивирсиганича қолиб кетаверади. Мевали дарахтларимиз бутоқларини синдириб, хомхатала меваларни териб оладилар, шоҳ-шаббаларини ўтин ўрнига ёқадилар.

Қишлоқнинг «Янгиқўрғон» маҳалласига ўтқазилган қувурдан келаётган сувнинг таърифига тил ожиз. Негаки сув боши ихоталанмаган. Булоқ тепасидан тушган каламуш, сичқон, илон каби жониворларнинг ўлаксаларидан қувурларни тез-тез тозалаб туришга тўғри келади.

Қишлоқни маданиятли қилайлик, деб бонг урамиз-у маданиятни бошлаб берадиган мана шундай дастлабки тадбирлар, муҳим тармоқлар эътибордан четда қолиб кетаверади.

Қишлоқда фақат сув тақчил десак ёлғон гапирган бўлардик. Қишлоқда бошқа муаммолар ҳам қатор-қатор. Йўллар қишда лой, ёзда чанг, болалар ўнқир-чўнқирлардан юриб, йиқилиб-сурилиб боғчага, мактабга қатнайдилар. Лоақал, йўловчилар юрадиган, машиналар қатнайдиган катта йўлларга асфальт ётқизиш, текислаш ҳақида ҳеч ким қайғурмайди. Наҳотки, қишлоқнинг у чеккасидан бу чеккасига олиб борадиган икки чақирим келадиган ўқ йўлни асфальт қилиш учун яна 70 йил кутиш жоиз бўлса?!

Қишлоқ ахлатга тўлиб кетган. Негаки, ахлат ташийдиган машиналар хизмати йўлга қўйилмаган. Одамларда ҳам инсоф, диёнат қолмаган. Хонадонлардан чиққан ахлат дуч келган жойга, айниқса сой бўйлари, жарликларга, булоқ бўйларига ташланмоқда. Бу ахлат чиқиндилар қор, ёмғир, булоқ сувларига қўшилиб, дарёга оқиб тушмоқда. Қишлоқ аҳолисининг юқумли касалликлар билан оғриши бундаги сувнинг ифлослиги, пашша-чивинларнинг кўплиги, қишлоқнинг антисанитария ҳолатдалиги оқибати эмасмикин?! Хумсон чор-атрофида пионер лагерлари, санаторийлар жойлашган. Улардан чиқадиган турли чиқиндилар ҳам дарёга оқизилаётир. Бундан эса қишлоқ аҳли ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам азият чекмоқда.

Шунингдек, қишлоқда ёшлар тўпланиб, машғулотлар ўтказиб, дам оладиган клуб, ёзги кинотеатр йўқ. Кутубхона эса ишламайди. Ҳаммом учун уч километр йўл босиб, Чорвоққа боришга тўғри келади...

Ёзадиган бўлсак, дарду ҳасратимизнинг чеки чегараси кўринмайди. Шикоят қилавериб, хўжалик йиғилишларида, депутатликка номзод кўрсатиш ёки депутатлар билан учрашувларда бу ҳақда гапиравериб чарчадик. Ахир, хўжалик ноҳия раҳбарларимиз ҳам шу йўлдан юрадилар. Аҳволни ўз кўзлари билан кўриб турибдилар. Бефарқлик, лоқайдликнинг даъвоси нима эканини билолмай қолдик.

Пойтахт биқинида яшасак-у, турмуш шароитимиз ўрта асрни эслатса?! Бунга қачонгача чидаш мумкин? Юқорида тилга олинган масалалар қишлоқ муаммоларимиздан бир шингил, холос.

Мен ҳам рассом сифатида гўзал қишлоғимизнинг ҳуснига доғ бўлиб тушаётган шу манзараларни кўриб, қаттиқ изтиробдаман.

Бўстонлиқ ноҳияси Хумсон қишлоғида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат ветеранлари, Қаҳрамон оналар ва кўп болали оналар, меҳнаткашлардан жами 35 киши имзо чеккан эътирозни оққа кўчирувчи:

Беҳзод МАҲМУДОВ.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан

1991 йил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида Алишер Навоий йили деб эълон қилинсин.

(Ўзбекистон ССР Президенти Фармонидан)

Шукроналар бўлсинки, адабий ва маданий меросимиз жуда бой. Бу меросни бир уммон, деб билсак, ҳазрат Навоий қолдирган дурдоналар ундаги жавоҳирлар хазинасидир. Навоий йилида меросимиз ихлосмандларига бирор янги гап айтиш ҳам қарз, ҳам фарз. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби Азиз хон ҚАЮМОВ билан суҳбатлашдик.

„МУНОЖОТ“ — ҲИММАТ — МАДҲИЯСИ

— Азиз Пўлатович, ҳазрат Алишер Навоийнинг наср билан битилган «Муножот» асари ҳақида бизда ҳали бирор тадқиқот эълон қилинмаган. Аввало, шу асар ҳақида муштарийларимизга маълумот берсангиз.

— «Муножот — шоирнинг Илоҳга мурожаати. Аммо «Хамса» достонларидаги мурожаатларда бўлгани каби Навоийнинг кўнглига энг яқин ҳис-туйғулар, севги-садоқат ва чин инсонийликни улуғлаш унда алоҳида ўрин эгаллаган.

Асарнинг бошланиш қисмида шоир Илоҳни улуғлайди. Унинг расули сифатларини баён қилади. Сўнгра асар қаҳрамонининг қалбини тўлдирган ҳаяжонли кечинмаларнинг шоирона изҳори келади. Унда изтироб ва қийноқлар билан тўла умр йўлини босиб ўтган инсон гавдаланади. У — қора рўзғорли, ўзига паноҳ излаётган гуноҳкор. Унинг иши журм ва исёндан иборат. У кимсасиз ва ёлғиз. Аммо унинг инсонийлик ғурури ва мустақиллиги бардавом.

«Илоҳий, агарчи журму исёндан ўзга ишим йўқ, аммо сендин ўзга кишим йўқ. Илоҳий, йўқ эрдим, бор эттинг, тифл эрдим, улуғлар чирғасига қаттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зуҳдим ниҳолин ушаттинг ва офатиям хайлин ёзуқ сипоҳи турктозидин тарқаттинг. Илоҳий, ёмон афъолимдин паришонлигим чўқтур ва шум нафсимда пушаймонлик йўқтур, мундоғ балодин қутулурга умидим ўқтур».

Бу бадиий лавҳаларда икки образ: ожиз ва гуноҳкор инсон ҳамда ҳамма нарсага қодир улуғ Илоҳ учрашадилар. Асарнинг лирик қаҳрамони — инсон ўзининг ёмонлиги, шум нафси қаршисидаги бандалигидан шикоят қилади.

— Домла, инсоннинг ана шундай қийин аҳволга тушиб қолишининг сабаби нимада, деб ўйлайсиз? Бу инсон кимнинг инон-ихтиёри билан азоб ва қийноқлар исканжасида банди бўлган экан!

— «Муножот»да шоир Илоҳнинг қудрати чексиз эканлигини унинг ўзига эслатади. «Илоҳий йиллар ибодат қилганни рад этсанг ҳеч ким дахл қилолмас ва қарғлар исён қилганни қабул қилсанг ҳикматин ҳеч ким билолмас. Илоҳий одам Хилофат тахтининг муставжиби ўзими бўлди. Сенинг тақдиринг бўлмай Шайтон мухофаланинг сўзими бўлди». Демак, Илоҳнинг ихтиёри зўр, қудрати буюк, ҳамма нарсани унинг ўзи юзага келтиради! Шундай экан, дунёда бор фисқу-фужур, зуҳд, вараъ (парҳез) туҳматини оҳиз бандага боғламоқнинг ҳожати борми? Ана шундай таъсирли мурожаатдан сўнг Навоий ўзининг «Ким эса осийю гуноҳкорроқ, лутф ила раҳматга сазоворроқ» («Ҳайратул-аброр») тўғрисидаги тезисини баён этади: «Илоҳий иноннятингга умидвормен ким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингга сазовормен ким, хато ва саҳвим беададдур».

— Энди шу ўринда асар лирик қаҳрамонининг Илоҳга садоқати хусусида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.

— Бу садоқат — чин садоқат бўлиб, қаҳрамон ўз мурожаатида Илоҳни ягона ҳимоячи деб билади. «Илоҳий дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, рад қилса, сенга таважжуҳ этгаймен, агар сен рад қилсанг нетгаймен ва кимга кетгаймен».

Қаҳрамон айни ғайтда, ўз ожизлигидан ўкинади. У ўз Илоҳидан ёвуз душманлардан ҳимоя қилишни ўтинади, ундан ёрдам кутади. «Илоҳий ёмонлигимдан кўп аламим бор, ғамхўрим сен бўлсанг не ғамим бор. Илоҳий, бу йўл сайрида ёвутма, агар ул адув йўл урса зўҳдумдин не келгай, иноятингни ўксутма».

— Асарда инсоннинг ашаддий душмани бўлган Шайтон тасвири ҳамда Тақдир мавзуи қандай ёритилгани ҳақидаги фикрларингизни эшитсак.

— «Муножот»да Навоий шайтонни инсон ўзлигини бузувчи ёвуз куч сифатида тасвирлаган. Ҳийлаю макр билан одамни ўз таъсирига ола бошлаган шайтоннинг бу ёвузликдаги иттифоқчиси одамнинг ўз нафси. Шунга қарамай, қаҳрамон ўзининг нияти соф эканини таъкидлайди. Шу боис у умидини йўқотмаган: Илоҳий, агар ҳосилотим эгридур, ниятим тўздур, бу жиҳатдин агар қўрқинчим бирдур, аммо умидим бирга юздур».

Сўнгра мавзу тақдирга кўчади. Агар Илоҳ бир нарсани тақдирга битган бўлса, у албатта юз беражак. Бу тақдирни ҳеч ким ўзгартира олмайди: «Илоҳий, тақдир қилганини қилурга не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор?». Лирик қаҳрамоннинг тақдири эса севги ва жунунга гирифторлик. Бу Илоҳнинг ўзи белгилаган тақдирдир. Шу ерда қаҳрамоннинг ички дунёси очиқ кўрсатилади. У ўз Илоҳи белгилаган йўлдан бориб гўзаллар сувратига маҳлиё бўлди.

— «Муножот» лирик қаҳрамони ҳақида чуқурроқ тушунча берсангиз.

— У гўзалликни чин юракдан қадрловчи соф инсоний муҳаббат эгаси. У — қора зулфлар савдосидан занжирбанд бўлган мажнун. У хушҳид таратувчи қора ҳоллар асири. Унинг ана шундай ошиқлиги Илоҳнинг белгилаган қисмати туфайли. Унинг ёри қора киприклари билан кўнгил мамлакатини талон-торож қилувчи яғмогар. У ошиқнинг сабр ўйини ер билан яксон қилувчи бир гулчеҳра. Жилвагар маҳбубанинг гўзаллиги ошиқ кўнглига туширилган севги алангасига боисдир. Бу ҳам Илоҳ иродаси. Лирик қаҳрамоннинг ишқ йўлидаги савдойилиги шу Илоҳ белгилаган қисматнинг амалга ошмоғи холос.

— Ошиқнинг маъшуқаси — ёр сиймоси тасвирига ҳам ўрин берилгани! Шундай бўлса, ёр образининг ҳусндорлиги таърифи қандай!

— Асарда бу ҳусндорлик юксак бадиий тасвирлар воситасида баён этилади. Ёр лабининг қизиллиги ошиқ кўнглидаги ўт шуъласининг инъикосидир: ғунча атрофидаги тиканларга ошиқ кўнглига санчилган пайконлар ўз аксини топган. Бундай гўзалликка шайдолик, севги туфайли юз бераётган аламлар туғёни ҳам ўша Илоҳ белгилаган тақдир натижаси! «...аларнинг дилраболиғи ҳам сендин ва ошуфта кўнгулнинг мубталолиғи ҳам сендин. Илоҳий, биров ҳуснига малоҳат беررсен ва анинг тузин менинг кўнглим жароҳатиға сепарсен... Илоҳий, гул узорига дилфурузлик ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зориға жиғарсўзлуқ ҳам сен бердинг».

— Асарда бевосита севгувчи ошиқ ҳатти-ҳаракатларининг тасвири келтирилган ўринлар ҳам бор бўлса керак!

— Албатта. Масалан, ошиқ май базмида шароб ўрнига қадаҳ-қадаҳ қон ютади. Севги мубталолиғи туфайли ошиқ ўз дину имонини барбод қилган. Телбанамо ҳар ён югуриб, мангу номусини ер билан яксон этган, халойиққа гап-сўз бўлиб, мажнун сифатида ном қозонган бўлиб тентираган, дўстлар маломатига қолган.

Бу тасвир ва ифодаларда чин инсоний ишқ туғёни, ошуқу мубталоларнинг аянчли аҳволи кўрсатилади. Аммо бу изтироб тўла нидоларда заррача пушаймонлик йўқ. Аксинча, бу ишқ ҳарорати белгиланган илоҳий қисмат. Ошиқ ўз йигитлигининг ишқ йўлидаги зулм-ситам қаттиқликларини чекиш билан ўтганига иқрор ва рози. Аммо умр ўтди. Энди у не қиларин билмай қолди. «Илоҳий йигитлигим бу навъ ҳам қаттиғ ўтти ҳам аччиқ, қарилиғда юз қатла ўзимни ўлтурсам не осиғ». Ошиқ энди дунёдан юз ўгирмоқчи. Аммо унинг қўлидан бу иш келмайди. Бирдан бир чора эса Илоҳ паноҳидир. Шунинг учун ошиқ яна ўз Илоҳига ёлвоади. «Илоҳий, эмди ҳамким барчасидин кечмак хаёлин қилурмен, ўзлигим била кеча олман, яқин билурмен, Илоҳий андоқки, бу балоларга солдинг, қутқар ва андоқким, бу ибтилоларга киюрдинг, чиқар».

— «Муножот»нинг охирги қисмларида турмуш кўринишларига оид истак-тилаклар изҳор этилганми!

— Асар охирида лирик қаҳрамон ўзининг «Илоҳий, намозеки эл бўлмагунча қилмаймен, худнамолиғдир ва ул намоз учун хирқа ва ридо худороли. Илоҳий ул намойиш ва оройишдан кўнглимни мубарро қилғил ва бу навъ шайтон либосидин паркоримни муарро эткил», — деб хитоб қилади. У турмушдаги ёмонликлардан ҳоли бўлишни истайди. Бу ёмонликлар беилож — дард, бемурувват номардларга қарамлик, беаслларга хор бўлмоқ, бедиёнатлар туҳматига учрамоқ, жоҳиллар суҳбатига боғланиб қолиш, разиллар ҳашаматига ҳожатмандлик. У Илоҳдан ана шундай оғир аҳволлардан сақламоқни сўрайди, ўзини ношукурлар, кўрнамаклардан узоқ тутишни илтижо қилади.

«Илоҳий беилож дардга адил қилма ва бемурувват номардга залил қилма. Беасллар мазаллатидин асра ва бедиёнатлар туҳматидин асра. Илоҳий, жоҳил суҳбатига побанд этма, арозил ҳашаматига ҳожатманд этма. Илоҳий, носипослар мулойиматидан йироқ тут ва ҳақношунослар хусусиятидан қироқ тут».

— Мана суҳбатимиз ҳам поёнига етай, деб қолди. Энди, юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бир якун ясасангиз.

— «Муножот» қоидасига биноан лирик қаҳрамон ўзининг Илоҳга муҳаббатини яна бир бор изҳор этади.

«Муножот» «Подшоҳи исломни (яъни Ҳусайн Бойқаро) муслимлар бошига бардаво этмоқ» тилаги, бунинг эса бандлар устига Илоҳ соясининг тушиб турмоғи эканини таъкидлаш билан якунланади.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, Навоий қаламига мансуб ҳар бир асар, билиистисно, севги, инсонийлик, пок олижаноб инсоний сифатларни куйлайди. Юксак фазилатлар эгаси бўлган инсонни улуғлайди. Ҳатто бевосита Илоҳ номига қарата айтилган муножот ҳам чин инсоний севгининг таърифи билан тўла. Бу севги йўлида қатъият билан борувчи, инсон гўзаллигига маҳлиё бўлган ошиқнинг баланд парвози ва олижаноб ҳимматини улуғловчи бир мадҳия бўлиб жаранглайди.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги бутун жумҳуриятимизда кенг нишонланмоқда. Ана шу улкан тўйга Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти ходимлари ҳам муносиб ҳозирлик кўришмоқда. Улуғ шоир ижоди мухлисларига бу йил 20 га яқин китоб совға қилинади. «Навоий» альбоми, уч тилда чиқаётган «Алишер Навоий сиймоси миниатюраларда» тўплами, рус ва ўзбек тилида чоп этилаётган «Кўзимнинг мардуми» мўъжаз лирикаси шулар жумласидан. Шунингдек, «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумида «Хамса» нашр этилади. Ҳозир «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» достонлари босмадан чиқди.

Ушбу китобларга бадиий безак беришда нашриёт мусаввирларининг ҳам хизматлари катта бўлмоқда.

Суратда: нашриёт бадиий совети аъзолари, мусаввирлар А. Бобров, Н. Ҳакимов, А. Кива, Ю. Габзанлов ва В. Неминовский ўзаро фикр алмашмоқдалар. Ўнгдаги ва чапдаги суратларда тўйга таклифномалардан намуналар.

С. МАҲКАМОВ суратта олган.

МУСАВВИРЛАР ТУҲФАСИ

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ САМАРАСИ

Мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда ҳал этилиши керак бўлган бир қатор муаммолар орасида давлат назоратини қандай ташкил этиш масаласи ҳам бор. Жамоатчи мухбиримиз ушбу масала юзасидан жумҳурият Нефть маҳсулотлари давлат назорати бош бошқармасининг бошлиғи Ф. Я. Иброҳимов билан суҳбатлашди.

— Нефть маҳсулотлари давлат назорати Бош бошқармаси шу йилдан бошлаб ўз ишига бир қатор ўзгартишлар киритиб, хўжалик ҳисобида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш усулида ишлай бошлади. Ана шу ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Нефть маҳсулотлари таъминоти қўмитаси раҳбарияти, ҳайъати ва нефть маҳсулотлари давлат назорати биргаликда ўтказган тафтишлар натижасида назорат аввалги ҳолида қолиши мумкин эмас, деган фикрга келинди. Дарҳақиқат нефть маҳсулотлари ишлатилиши устидан яқин-яқинларгача олиб борилган назорат асосан текшириб, йўл-йўриқ кўрсатиш, камчиликларни аниқлаб, ҳужжатларни тегишли ташкилотларга чора кўриш учун юборишдан иборат эди. Афсуски, қатор йиллар мобайнида нефть маҳсулотлари исроф-гарчилигининг олдини олиш, ҳисоб-китоб, нормалаштириш ишларида сезиларли ўзгаришлар юз бергани йўқ. Ана шу вазиятда нефть назорати ишига бир қатор жиддий ўзгаришлар киритилди. Янгитдан ташкил этилган бош бошқарма таркибида ёнилғи сифатини назорат қилиб борувчи, оғирлик ва ўлчов бирликлари асбобу ускуналари таъминоти ва назорати билан шуғулланувчи видео-ахборот маҳсус гуруҳлари тузилди. Илгарилари кимёвий назорат лабораториялари нефть базалари ихтиёрида эди. Улар халқ хўжалиги ташкилотларида ёнилғи сифатини текшириш ҳуқуқига эга эмас эди. Ўзгаришлардан сўнг вилоят марказларидаги лабораториялар нефть маҳсулотлари давлат назорати ихтиёрига берилди.

— Дастлабки натижалар қандай бўлди?

— Апрель ойидан шу кунгача ўтган вақт давомида нефть маҳсулотлари омборларини тузатиш, созлаш бўйича Тошкент (3 та бригада), Фарғона, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида тегишли мутахассислардан бригадалар тузилиб, улар бир қатор хўжаликларнинг нефть маҳсулотлари омборларини тегишли талабларга жавоб бераднган қилиб созлаб бердилар.

Ёнилғи сақлаш сиғимларининг ҳисоблаш жадвалларини тузиш масаласига келсак, бизнинг замонавий техникани сотиб олиб, сифатли жадваллар тузишга эришдик. Ўтган саккиз ой давомида ушбу бўлинмаларимиз томонидан халқ хўжалигига салкам бир миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Кимёвий назорат лабораториялари ишига келсак, у биринчидан нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг жавобгарлигини оширган бўлиб, иккинчидан лабораториялар ишини бирмунча яхшилаш имконини берди. Ҳозирги кунда деярли барча лабораторияларимиз тегишли синовдан ўтказилиб, ҳар бирининг қошида кўчма лабораториялар ташкил этилмоқда. Энди лабораториялар фақат нефть базалари ва ЕҚШ (ёнилғи қуйиш шохобчаси)дагина эмас, барча истеъмолчилар ўртасида ёнилғи сифатини сақлаш бўйича бир қатор ишларни олиб бормоқда.

— Қилинаётган бу ишларга тегишли вазирликлар, қўмиталар ва ташкилотларнинг муносабати қандай бўляпти?

— Тўғрисини айтиш керак, дастлаб биз бошлаган бу ишга истеъмолчиларгина эмас, ҳатто соҳамиздаги айрим бўлимлар, ишлаб чиқариш бошқармалари ишончсизлик билан қарашди. Тўсқинлик қилувчилар ҳам топилди. Ҳатто кимёвий назорат лабораториясининг ҳозирги ишидан «норози» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари ҳам бор. Аммо, қўмитамиз, автомобиль транспорти, қишлоқ хўжалиги ва бошқа қатор вазирликлар раҳбарлари масалани тўғри тушуниб, ишимизни яхшилаш учун қўлларидан келган ёрдамларини аямаяптилар. Шу давр ичида биз асосий истеъмолчилар — автомобиль транспорти ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ташкилотларида ёнилғини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ҳисоб-китоб ишларини олиб борилишини текшириб, улар билан биргаликда келажакда қилинадиган ишларимизни келишиб олдик.

Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналарида аҳвол атрофлича ўрганиб чиқилди, яқин икки-уч йил ичида ёнилғининг аралашиб кетиши олдини олиш учун қувурларни реконструкция қилиш режалаштирилди.

— Яқин келажакка мўлжалланган режалар ҳақида гапириб берсангиз?

— Ҳозирги кунда бизни қийнаётган асосий масала нефть маҳсулотлари миқдори, ҳажми ва солиштирма оғирлигини ўлчовчи асбобускуналарнинг етишмаслигидир. Айни пайтда биз «Эталон» заводи ёрдамида тарқатилаётган ёнилғи миқдорини текшириб кўриш имконини берадиган ўлчагичларни ишлаб чиқариш масаласини ҳал қилдик. Бошқа қатор жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни ҳам жумҳуриятимизда ишлаб чиқаришни ўйлаб турибмиз. Бундан ташқари барча вилоятларда нефть маҳсулотлари омборларини таъминлаш бўлинмаларини тузишни режалаштирганмиз.

Яқинда ЕҚШ учун бошқариш қурилмаларини ишлаб чиқарадиган кичик бир бўлинма туздик, уни ҳақиқий корхонага айлантиришни мақсад қилиб қўйганмиз.

Бу билан биз ўз зиммамиздан хўжасизликка, нобудгарчиликнинг турли кўринишларига қарши курашни соқит қилмоқчи эмасмиз. Ташкилотлар ва хўжаликларнинг нефть маҳсулотларидан фойдаланишдаги фаолиятига ҳар жиҳатдан амалий ёрдам бериш исрофгарчиликни таг-томири билан йўқотиш бундан кейин ҳам асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ҳали катта ишларни амалга оширишимиз керак. Олдимизда турган ишларни муваффақиятли бажариш учун бош бошқармамизни етук, малакали, ишнинг кўзини биладиган мутахассислар билан тўлдириш ҳақида ўйлаяпмиз.

— Умуман айни пайтда назорат қандай бўлиши керак?

— Ҳозирги кунда камчиликни топиш билан чегараланадиган назорат ташкилотларининг вақти ўтди. Ҳақиқий назорат камчиликни топиш билан кифоялланмасдан, уни бартараф этиш, олдини олиш юзасидан амалий ёрдам бериши керак. Ана шундагина халқ хўжалигига, халқимизга нафимиз теккан, нонимизни оқлаб еган бўламиз. Бинобарин, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида айтилганидек бунинг учун назоратчи ташкилотларни софдил, жонкуяр мутахассислар билан тўлдириш лозим.

Табиийки, айни кунларда қилаётган ишларимиз натижаси ўлароқ текширувчиларимиз ўз фаолиятларига янада талабчанлик, эътибор билан муносабатда бўлишини тақозо қилмоқда. Ишга бўлган янгича ёндашиш самараси эришаётган натижаларимизда яққол кўринибди. Кейинги пайтда қарийб 1,5 мингта корхона, ташкилот ва хўжаликларда текшириш ўтказилди. Бунинг натижасида салкам 15 минг тонна нефть маҳсулотларини тежаб қолиш мумкинлиги аниқланди. Қонунга хилоф ишлар учун 4 минг литрлик зиёд ягона давлат патталари мусодара қилинди. Ҳали хўжалик ҳисобига ўтмаган корхоналарга нефть маҳсулотларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлари учун 60 минг сўмдан зиёд жарима солинди. Шу билан бирга ҳар доимгидек, асосий эътибор нефть таъминоти корхоналарига ва уларнинг бўлинмаларига қаратилди. 600 дан зиёд текшириш ўтказилганда ушбу бўлинмаларда 25 тонна ортиқча маҳсулот ва 102 тонна камомад аниқланди. Маҳсулот сифатини текшириш жараёнида 315 ҳолда қарийб 7000 тонна нефть маҳсулоти сифати бузилишининг олди олинди.

Текширишларимизнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Тегишли назорат ташкилотлари билан ўтказилган текширишлар натижасида 190 дан зиёд иш халқ назорати ташкилотларига, 62 таси прокуратурага, 47 таси ички ишлар бўлимларига берилди. Натижада қонунбузарлик қилгани учун 18 нафар ходим ишдан бўшатилди, 45 нафари эгаллаб турган лавозимидан бошқа ишга ўтказилди, 185 кишига эса интизомий жазо чоралари қўлланилди. Кўриб турганингиздек, нефть маҳсулотларидан фойдаланишда ҳали бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Унга барҳам бериш учун биз ҳормайтолмай кўп ишлашимиз талаб этилади. Бунинг учун давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўз ишимизни доимо такомиллаштириб боришимиз зарур.

• Долзарб мавзуда суҳбат

ДАРОМАД МАНБАИ

Узбекистон ССР 50 йиллиги номли боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалигида икки минг тонна шарбат сақлашга мўлжалланган омбор фойдаланишга топширилди.

Бу объектни «Узагростройга қарашли 58-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишди.

Омбор қурилиши хўжаликка деярли 900 минг сўмга тушди. Лекин ҳаражатларнинг ўрни тез қопланади, деб мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ТАШВИШЛАРИ»

Рўзноманинг ўтган йил 18 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда Фориш ноҳиясидаги маҳаллий саноат корхонаси жамоасининг унумли ишлаб, мўл-кўл ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига тўғаноқ бўлаётган нуқсонлар очиб ташланган эди. Яқинда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг ижроия қўмитасидан мақола юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақида жавоб келди.

Мақола Фориш ноҳияси ижроия қўмитаси ҳамда вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг кенгайтирилган мажлисида кенг муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар, кўтарилган масалалар ва муаммолар тўғри ва ўринли ёритилган, деб таъкидланди.

Шунга асосан корхонадаги муаммоларни тузатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ҳозирги пайтда Фориш маҳаллий саноат корхонасида электр чироқларининг беҳуда ўчиш ҳолларига чек қўйилди. Комбинатга ёрдамчи электр тармоғи тортиб келиш масаласи ҳал этилмоқда.

Комбинатни газлаштириш масаласи ҳам ижобий ҳал этилди. Газлаштириш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган ва уни амалга ошириш шу йил режасига киритилган. Комбинатга 1991 йил учун қўшимча миқдорда газ лимити ажратиб берилди.

Шу билан бир қаторда вилоят маҳаллий саноат бошқармаси томонидан корхонага ўтган йили белгиланган режадан ташқари 150 минг сўмлик хом ашё фондлари ҳамда бир трактор ва прицеп берилган.

Фориш ноҳияси марказида Жиззах савдо базасининг филиали очилди. Маҳаллий саноат корхонаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларининг бир қисмини ушбу базага топширмоқда.

Вилоят ижроия қўмитаси мақолада кўрсатиб ўтилган барча муаммоларнинг ижобий ҳал этилишини қатъий назорат қилиб боради.

Мухбиримиз бонг уради

ХОМАШЁ ҚАЧОН КЕЛАДИ?

Қўриқ вилоятдаги энг илғор жамоалардан бири Жиззах устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3 минг нафар ишчиси кейинги ойларда 10—15 кунлаб бекор туриб қолишга мажбур бўлмоқда. Нега?

Иттифоқ шартномасини тузиш, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари вақтида ҳал этилмагач, бирлашма шу давргача хом ашё олаётган Семипалатинск, Кустанай, Чита, Пинск, Сумгаит каби шаҳарлардаги саноат корхоналари билан шартнома тузолмай қолди. Январь ойининг ўрталарига келиб ҳатто йилдан-йилга ўтиш жараёни учун кўзда тутилган эҳтиёт хом ашёси ҳам тамом бўлди.

Бирлашма раҳбарияти ҳеч бўлмаса бош корхона дастгоҳларининг батамом тўхтаб қолмаслиги учун шаҳардаги ип йигирув фабрикасидан озгина миқдорда калава олиб турди. Фаолиятсиз қолган ишчилар цехларни тозалаш, дастгоҳларни жорий таъмирлашга жалб этилди. Аммо ўз-ўзидан маълумки, 3 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчини бу каби юмуш билан овутиб бўлмайди. Қолаверса, уларга иш ҳақи бериш лозим.

— Яхшиям ўтган йилни 2 миллион сўм соф фойда билан якунлаган эканмиз, — дейди бирлашма бош муҳандиси И. Лутфуллаев. — Шу ҳисобдан уйда ўтирган ишчиларимизга маълум миқдорда ҳақ тўлаяпмиз. Аммо бу ҳол яна чўзиларверса, бирлашмамизнинг иқтисодий аҳволи танг бўлиб қолиши аниқ. Қолаверса, биз тўлаётган ҳақ ишчиларимизни ҳеч ким қониқтирмайди.

Бош муҳандиснинг ташвишлари ўринли. 1991 йил учун 2 минг 50 тоннадан зиёд хом ашё зарур бўлгани ҳолда, ҳозиргача жумҳуриятимизга Енгил саноат вазирлиги томонидан бор-йўғи 1200 тонна хом ашё учун фонд берилди. Ҳатто Андижондаги Олтинкўл саноат корхонаси учун кўзда тутилган 1 минг 83 тонна хом ашёдан 560 тоннасини ҳам бера олишлигини маълум қилишди. Кўриниб турибдики, бирлашма ишчи-хизматчилари учун ташвишли бошланган янги йилнинг муаммолари кўп давом этадиганга ўхшайди.

Мутасадди ўртоқлар, республика вазирлиги зудлик билан ёрдам қўлини чўзмаса, мушкул аҳволдан чиқиб бўлмайди. Қолаверса, жумҳуриятдаги бу каби аҳволдан қутилиш учун пахтани қайта ишлайдиган корхоналар сонини жойларнинг ўзида кўпайтириш лозимлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиб турибмиз.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУАЛЛИФДАН: кеча бирлашма раҳбариятидан «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг Жиззахдаги қабулхонасига маълум қилишларича, Белоруссия билан республика шартномаси ижобий ҳал этилганлиги туфайли Пинск шаҳри саноат корхонаси ўртасидаги ўзаро шартнома кучга кирибди. Ҳатто бирлашма дастлабки 4,5 тонна калавани олишга муваффақ бўлибди. Ажабмаски, ишлар юришиб кетса!...

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

● САНЪАТ

МУХЛИСЛАР ФАХРИ

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театри ташкил топганига 70 йил бўлди.

Театр 1921 йил 15 январида «Мусулмонлар клуби»нинг томошагоҳида Зиё Саид ва Мўмин Муҳаммаджоновнинг «Қонли кун» драмасини саҳнага қўйиш билан фаолият бошлаган эди. Қалдирғоч артист ва режиссёрлардан Ғулом Элмуродов, Солиҳ Сайдашев, Александр Михайленко, Хидир Бўронов, опа-сингил Бурнашева, Абдурауф Болтаев, Абдулҳамид Мажидий, Баҳри Жалилов, Қўзи Фармон ва бошқаларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинади. Дастлабки саҳна асарларидан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Абдулла Бадрийнинг «Аравакаш», Мирзо Оҳундовнинг «Ҳожи Қора», Ҳамзанинг «Туҳматчилар жазоси» халқимиз ўтмиши ва янги тузумни тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этган эди.

Театр жамоаси 1927 йилгача «Кўк кўйлаклар» деб аталган бўлса, 1928 йилдан «Ҳақиқат», 1937 йилдан «Колхоз-совхоз театри», 1955 йилдан «Мусиқавий драма театри» ва ниҳоят 1961 йилдан бошлаб бугунгача ўзбек давлат драма театри сифатида санъатсеварларга хизмат кўрсатмоқда. Театр жамоасига 1948 йилдан 1978 йилгача Ўзбекистон ССР халқ артисти Ширин Мелиева раҳбарлик қилди. Бу даврда саҳна усталари Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистонда, Татаристон, Бошқирдистон мухтор жумҳуриятлари бўйлаб ижодий сафарларда муваффақият қозонди. Ш. Мелиева, Ҳ. Омонова, С. Рўзиев, Р. Ризаев, Ш. Аминов, Н. Ҳожиев, Н. Ўтаев, Ш. Мусаева, И Хонимқулов, Г. Мамедова каби санъаткорлар Ўзбекистон ССР халқ артисти ва жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист каби фахрий унвонларга сазовор бўлишди. Театр жамоаси юбилейга «Давр ўғлони» ва «Сўнгги қўнғироқ» каби асарларни туҳфа қилди. Театр тўйи эса баҳор ойларидан бирида нишонланади.

А. ҲОШИМОВ.

● ҲАМКОРЛИК

ШАРТНОМА АСОСИДА

Хитой Халқ Республикасининг Шэньян шаҳридаги 2-универмагдан Наманганга турли харидоргир моллар келтирилди.

Жумладан, электрон техникаси, болалар кийимлари, пойабзаллар, қишлик кийимлар, кўйлаклар, телевизор ва радио аппаратлари каби моллар бор. Наманган машинасозлик заводи билан Шэньян шаҳри ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига биноан келтирилган бундай моллар асосан завод ходимларига сотилади. Наманган машинасозлари бу борада воситачи бўлиб, ишчи-хизматчиларга мол келтириш ва сотишидан наф кўради. Халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ана шу тадбирга бағишланган кўргазма ҳам кўпчиликда таассурот қолдирди. Кўргазмада 156 та ташкилот ва корхона қатнашиб, Хитой — Наманган ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Яқинда Хитой моллари сотиладиган магазин очилади. Машинасозлар билан Шэньян шаҳри ўртасида ҳам шартнома тасдиқланди. Наманганликлар пахта чиқитлари ва қўй териси етказиб берадиган бўлишди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

● МАРДЛИК — МАНГУЛИК

ҚРИМДАН КЕЛГАН СОВҒА

Бўз район марказида яшовчи Улуғ Ватан уруши фахрийси Шокиржон Йўлчибоев хонадонига хушхабарчи антиқа совға келтирди.

Шокиржон урушнинг оловли йўлларини босиб ўтган. Крим ярим ороли учун бўлган жангларда қатнашган. Унинг жанговар йўлини қаламга олган симферополлик Елизавета Рибалкининг хайрли иш қилгани маълум бўлди. 77-Симферополь ўқчи дивизиясининг собиқ ҳамшираси бўлган бу ёзувчи ўз китобини «Ғалаба йўлларида» деб номлаган. Китобдаги «Арафа» очерки ҳамюртимиз Шокиржон Йўлчибоевнинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилади. «Дивизиямизга танилиб қолган 324-ўқчи полки разведкачиси Шокиржон Йўлчибоевнинг мардлиги, жанг ҳақидаги ҳикоялари айниқса таъсирли бўларди — деб ёзади асар муаллифи. — Айниқса, Шокиржоннинг разведкада бўлиб немис майорини ҳужжатлари билан қўлга олгани эсимда». Китоб муаллифи ўз асарини бўзлик дўстига совға тариқасида жўнатиб, собиқ жангчини беҳад қувонтирди.

М. КАРИМОВ.

● Таҳририятимизга шунингдек, маданий-маиший мавзуларда, хўжалик юритиш, тадбиркорлик ва футболга оид қизиқарли хат-хабарлар кўплаб келмоқда. Чунончи, Тожикистоннинг Қўрғонтепа районидан Г. Ғозиев, оддий солдатлар И. Мамадалиев билан А. Абдуназаров, Чимкентдан М. Хайриев, Пайариқдан Р. Худойқулов, китоблик Ф. Хўжаев, киевлик Д. Еремян, Попдан Р. Қурбонов, бекободлик Т. Суннатов, Ленинск шаҳридан М. Жонузоқов ва бошқалар ҳам диққатга сазовор хабарлар йўллашган.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

● *Спорт* ●

ИМКОНИЯТ БОР-У, ҲАФСАЛА ЙЎҚРОҚ

ёки республикада енгил атлетиканинг аҳволи ҳақида баъзи мулоҳазалар

Одамзод болаликдан енгил атлетика билан шуғулланади, десам муболаға бўлмас. Бойси, ҳаракатимиз дастлаб юриш, улғайган сари югуришдан иборат. Бундан ташқари бирон бир касб ёки спортнинг бирон бир тури йўқки, енгил атлетиканинг дахли бўлмаса. Хуллас, ҳаммамиз ҳам озми-кўпми югурган, сакраб кўришга мойиллик топган одамлармиз. Энди том маънодаги енгил атлетика ҳақида фикр юритадиган бўлсак, жумҳуриятимизда ўтган йил мобайнида бирмунча ютуқлар қўлга киритилгани кўзга ташланади.

Йил якунларига кўра енгил атлетикачиларимиз иттифоқ миқёсидаги мусобақаларда 21 та медаль тўплашган бўлса, халқаро майдонларда 14 нафар ўғил-қиз ғолиблик супасининг биринчи поғонасини эгаллаб, жумҳуриятимиз спорт нуфузини сарбаланд бўлишига муносиб ҳисса қўшдилар. Хусусан, лангар билан сакраш устаси Радион Гатаулиннинг ютуғи кўпчиликни қувонтирди. У мамлакатнинг «Энг яхши енгил атлетикачиси» номига сазовор бўлди. Шунингдек, югурувчи Виктор Зайцев ҳам ана шу кучлилар сафидан ўрин олди. Жумҳуриятимиз бўйича сараланган енгил атлетикачилар сафида Марина Шмонина, Сергей Усов, Дамир Тошпўлатов, Владимир Черников каби югурувчи, сакровчилар бор. Иттифоқ миқёсида мухлислар эътироф этган спортчиларимизни камол топтиришда В. Коган, В. Бурматов, Ю. Колесников, Ш. Капкаев каби устозларнинг хизмати катта.

Бугунги кунда умидли ёшларга кўз тикиб турибмиз. Жумладан, Анвар Кучмуродов 100 метрга югуришда мутахассислар эътиборини тортмоқда. 110 метрга югураётган Дмитрий Рейх ҳам келажакда кўпчиликни қувонтириши мумкин.

Лекин шуни рўйи-рост айтиш керакки, жумҳурият енгил атлетикачиларининг спартакиадаолди йилида тутган мавқеларини шу кун талабларига жавоб беради, дейиш қийин. Бу нимада кўринади. Ўринбосарларни тайёрлаш яхши йўлга қўйилмаган. Чунончи, вакилларимиз мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадасида 8-ўрин билан қаноатланишди. Бу кўп йиллардан бери кузатилмаган манзара бўлиб, имкониятларимиздан етарли фойдалана олмаётганлигимизни кўрсатади. Келинг, яхшиси нима учун шундай аҳволга тушиб қолганимизни таҳлил қилиб кўрайлик. Кўпгина спорт турларида бўлганидек, енгил атлетиканинг ривожланиши ҳам кўпроқ вилоятлардаги, қолаверса, ноҳиялардаги болалар спорт мактаблари ва жумҳурият болалар ва ўсмирлар олимпиада ўринбосарлари мактабларининг фаолиятига боғлиқ. Бу борада Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг спорт жамоатчилиги имкониятларни бой бериб қўйишмоқда.

Фарғона вилояти спорт комитети мутаасддиларининг ихтиёри билан енгил атлетиканинг ривожланиши бир жойга, яъни касаба уюшмалари вилоят физкультура жамияти ҳузуридаги клубда марказлашган. Айни пайтда енгил атлетика бўйича вилоят олий спорт маҳорат мактаби бартараф этилган. Бунинг устига енгил атлетиканинг аҳволи билан қизиқиш, назорат қилиб бориш деярли унутилган. Ваҳолонки, вилоят спорт фаолларининг йиғилишларидан бирида Фарғона бўйича енгил атлетикани ривожлантиришни ўз зиммасига олган О. Беневдовскийга қарийб қирқ нафар тренер ва жамоатчи ишончсизлик билдирса ҳам парво қилинмади. Оқибатда, 1987 йили ўтказилган СССР халқлари спартакиадасида қатнашиш фарғоналиклар учун энг юқори нуқта бўлиб қолди. Ўшанда вилоятдан 12 нафар спортчи спартакиадага йўлланма олган эди. Ҳозирги кунга келиб, Фарғона вилоятидан бор йўғи уч кишининг шу йил ёзда бўладиган спартакиада синовига ҳозирлик кўраётганини қандай тушуниш керак?

Андижон вилоятида ҳам бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Аввалги спартакиадада андижонликлардан 6 нафари қатнашган бўлса, ҳозир бу рақам бир кишига тушиб қолди. Умуман, Андижон вилоятида бир замонлардагидек, довруқли спортчиларни тарбиялаш ишига нега эътиборсизлик қилинмоқда. Зеро, СССРда хизмат кўрсатган спорт усталари Светлана Ўлмасова билан Замира Зайцеваларнинг издошларини қачон тарбиялаймиз?

Шунга ўхшаш енгил атлетикани оммавийлаштириш ва маҳоратли спортчилар тарбиялаш борасида Самарқанд вилоятида ҳам етарли иш қилинмаяпти. Вилоятдаги олимпиадачилар ўринбосарлари билим юрти, жисмоний тарбия техникуми ва педагогика илмгоҳининг жисмоний тарбия факультетларида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас. Қадимий ва навқирон Самарқанд енгил атлетикачилари халқаро майдонларда маҳорат кўрсатишса, мухлисларни беҳад қувонтирган бўлишарди.

Жумҳурият олий спорт маҳорат мактабида олиб борилаётган ишлар ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, моҳир спортчилар тарбиялаш маскани 1978 йили вилоятларда олиб бораётган ишларни мувофиқлаштириш ва яқиндан ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган эди. Хўш, спортчиларнинг олий маҳорат мактаби олдига қўйилган вазифалар уддаланяптими? Мактаб мутахассислари вилоятлардаги енгил атлетика марказлари ходимларини, қолаверса, спортчиларни қўлланмалар ва жаҳон миқёсидаги юксак натижалар билан таништириб бориши керак эди. Афсуски, вилоятларда бундай юмушлар йўлга қўйилмаганлиги, қолаверса, жумҳурият олий спорт маҳорат мактаби ҳар жиҳатдан ибрат бўлолмаётгани ҳақида эътирозлар бор. Албатта, мутахассисларнинг эътирозлари ўринли. Чунки, каттагина иш биргина методист зиммасига юкланган бўлиб, у киши ҳам енгил атлетикага ихтисослашмаган ва бунга ҳохиши ҳам йўқ.

Биз жумҳуриятимизда енгил атлетикани ривожлантириш ва оммавийлаштириш борасида йўл қўйилган баъзи камчиликлар хусусида мулоҳаза юритдик. Асосий мақсад СССР халқлари спартакиадасининг енгил атлетика бўйича Белоруссия пойтахтида ёз ойларида бошланадиган мусобақаларига ҳозирлик кўриш, имкониятлардан етарли фойдаланиш, жумҳуриятимиз терма командаси мавқеини мустаҳкамлашдан иборат.

А. НОРМУРОДОВ,
республикада хизмат кўрсатган тренер.

СПАРТАКИАДА:

БЎШ КЕЛИШМАДИ

● Жумҳуриятимиз дзюдочилари Белоруссия пойтахтига бориш олдидан спартакиада баҳсларида бўш келмасликка ваъда қилишган эди. Ўзбекистон полвонларининг устози Мэлс Аннинг шогирдлари астойдил ҳаракат қилиб, ишончни оқладилар. Вакилларимиз СССР халқлари спартакиадасида команда ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди. Бу аввалги спартакиадада эгаллаган ўриндан бир поғона юқоридир.

Жумҳуриятимиз дзюдочиларининг бу ютуғига 65 килограмм вазнли Шуҳрат Ғофуров муносиб ҳисса қўшди. У саралаш беллашувларида С. Косминин (РСФСР)га имкониятни бой бериб, спартакиаданинг бронза медалини қўлга киритди. Спартакиада беллашувлари қатори давом этган мамлакат чемпионатида эса Шуҳратнинг омади келди. Моҳир полвон бу гал С. Косминин билан орани очиқ қилди. Ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Шуҳрат бир йўла халқаро классдаги спорт устаси талабини ҳам бажарди. Спартакиадада шунингдек, Фарҳод Агаев, билан Андрей Герасимов бронза медалларига эга бўлишди. Аёллар баҳсида эса Нелла Қиёмова кумуш медалли бўлди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

● Шаҳрисабз шаҳрида югуриш ва спортча юриш бўйича республика қишки чемпионати ўтказилди. Биринчи гуруҳга киритилган жамоалар орасида Тошкент вилояти вакиллари 207 очко билан лешқадамлик қилишди. Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти спортчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Иккинчи гуруҳда Сирдарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри ва Наманган вилояти жамоалари совринли ўринларни олишди.

ГИЁҲДАН ДОРИВОРЛАР

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Вилоятда шифобахш гиёҳларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили бу ерда 8 тоннага яқин турли доривор гиёҳларнинг маҳсулоти йиғилди. Шифобахш дори етиштириш билан шуғулланувчи шифокорлар бу йил ноҳияларда 10 гектарга яқин ана шундай гиёҳларни етиштиришга муваффақ бўладилар. Бу вилоят аҳолисини дориворлар билан қоплаш қийин бўлса-да, кейинги йилларга замин яратилади.

Бугунги кунда ҳар бир ноҳия марказидаги дорихоналарда гиёҳли дориворлар бўлимлари ташкил этилган.

Суратда: Қарши тайёрагоҳидаги гиёҳли дорихона.

Ш. ШАРОПОВ сурати [ЎзТАГ].

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА
профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қуйи курсларда инглиз тили лексикаси (филология фанлари доктори ёки филология фанлари номзоди, доцент);

доцентлар: педагогика ва рухшунослик (биология фанлари номзоди, доцент ўзбек тилида руҳшунослик бўйича маърузалар курсини ўқитиш учун — 1, педагогика фанлари номзодлари, рус тилида педагогика назарияси ва тарихи, тарих бўйича маърузалар курсини ўқитиш учун — 2), XX аср сиёсий тарихи (тарих фанлари номзоди, доцент, ўзбек тилида ўқитиш учун), умумий тилшунослик (филология фанлари номзоди, доцент — форс тили);

катта ўқитувчилар: педагогика ва руҳшунослик (биология фанлари номзоди, ўзбек тилида руҳшунослик бўйича маърузалар курсини ўқитиш учун), испан тили, кечки ва сиртқи куллиётларда немис тили (филология фанлари номзоди);

ўқитувчилар: инглиз тили фонетикаси ва фонологияси, қуйи курсларда инглиз тили лексикаси (2), немис тили лексикаси ва услубиёти, сиртқи куллиётда немис тили грамматикаси ва тарихи, кечки ва сиртқи куллиётларда махсус курсларда француз, тили, чет тиллари (инглиз тили), рус тили ва адабиёти (2).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«АСБОБЛАР ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ» САЛОНИ

қуйидагиларни тавсия қилади:

— келишилган нархларда сотиб олинадиган хусусий компьютерлар учун француз тозалаш дисклари ва магнит дискетлари,

— ПФ — 0,5 плазмофорези учун транспортда олиб юриладиган аппарат. **Баҳоси — 8 минг сўм.**

— ЦПР — 5 лаборатория центрифугалари. **Баҳоси — 9 минг сўм,**

— АЗ автограф — 882-01 рулонли графақургичи. **Баҳоси — 5,5 минг сўм,**

— АЗ СМ — 6570.05 планшетли графақургичи. **Баҳоси — 7,3 минг сўм,**

— «ЛИК» маиший компьютери. **Баҳоси — 600 сўм,**

— СМ — 7238.04 растрли дисплейи. **Баҳоси — 7,3 минг сўм,**

— 30 ўринли «Зачет—М» имтиҳон олувчи синфи. **Баҳоси — 16 минг сўм.**

— ИТТВ — 1 м. ахборот кўзгуси. **Баҳоси — 7 минг сўм.**

— «Орион» ўйин компьютери. **Баҳоси — 4,5 минг сўм.**

— О Х — 101 (Япония) телефакси. **Баҳоси — 25.300 сўм.**

— «автомат-котиба» электрон. **Баҳоси — 1,9 минг сўм,**

— ҳар хил йўсиндаги радио, электр ўлчов ва нусха кўпайтириш аппаратуралари, технология жараёнлари ва ҳисоблаш техникасини назорат қилиб ва бошқариб бориш юзасидан

Талабномалар қабул қилади

асбобларга эҳтиёж сезилган ҳолларда бизнинг манзилгоҳимизга барча банк реквизитлари (ҳисоб-китоб рақами, банк бўлими, банк коди) кўрсатилиб, раҳбар ва бош котиб томонидан имзоланган ҳамда тамғали муҳр билан тасдиқланган кафолат мактубини юбориш лозим.

Манзилимиз: 700096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 2-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 78-02-49, 78-40-43, 78-02-41.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15 февраль соат 17.00 ва 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
НАСИБА АБДУЛЛАЕВА
ва
«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ
ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/II да **Жизель,** 2/II да **Аида,** 3/II да **Гўзал Василиса** (12.00), **Фауст** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да **Хотинлар «гап»ндан чиққан ҳангома,** 2/II да **Куёв,** 3/II да **Жар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 1/II да **Юсуф ва Зулайҳо,** 2/II да **Куёвлар конкурси,** 3/II да **Куёвлар конкурси,** 4/II да **Дардимни айтаман, куласизми?**

Тошкент давлат дорилфунуни маъмурияти ва ўзбек филологияси куллиёти жамоаси шу куллиёт декани, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор И. Қўчқортоевга укаси

Гултўра ҚУЧҚОРТОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат дорилфунуни маъмурияти, гуманитар куллиётлар фалсафа кафедраси жамоаси доцент Ш. Азизовга отаси

Астон АБДУЛАЗИЗ ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯПОН ҚИЗИ ХИРОМ ЭТСА

Японялик раққоса қиз — Эмико билан танишишимиз қизиқ бўлди. «Мумкинми?» деган саволимга ичкаридан «Киравринг!» деган овоз эшитилди. Пешвоз чиққан ўрта бўйли ҳаракатлари чаққон, истараси иссиққина аёл соф ўзбек тилида «Ассалому алайкум» деди. Адашдиммикан, деган ўйда, «Эмико Никамура керак эди...» дедим.

— Мен бўламан, — деди мезбон, ичкарига ундаб.

Япония маликасининг ўзбек тилида гапираётгани сабаб бўлдими, биз яқин дугоналардек суҳбатлаша бошладик. Эмико сўзларимни тез илғаб олса-да, жавоб беришга бироз қийналарди. У Японияннинг Игинушия шаҳарчасида туғилгани, оилада олти фарзанд бўлиб, тўнғичи эканлигини гапирди.

Ёшлигидан санъатга қизиққан Эмико Париждан келган ўқитувчилардан балет сирларини пухта ўрганди. Телевизор орқали кўрган эрон, испан, ҳинд рақслари, айниқса Японияга келган Хитой ансамблининг уйғурча, тожикча, ўзбекча рақслари унинг қалбида санъатга қизиқиш уйғотди. Санъат сирларини ўзлаштириш билан бирга Кобэ шаҳридаги дорилфунунда инглиз тилини ўрганди. Билимга ташна Эмико Никамура кейинчалик Американинг Сиэтл шаҳрига келиб санъат илмгоҳида таҳсил кўрди. АҚШдаги Академия дипломанти бўлди. Вашингтон дорилфунунининг туркий тиллар кафедрасига кириб, Ильзахоним Сиртаутасдан ўзбек тили бўйича сабоқ олди.

Унинг ўзбек тилини ўрганишдан мақсади ўзбек рақсларини қалбдан ҳис қилиб талқин этиш эди. Шу тариқа Тошкентга қисқа муддатга бўлсада келиб, ўзбек тилини ўрганишни ТошДУда давом эттирмоқда.

Санъат дўстлик улашади

— Кўп йиллардан бери шаҳрингизда бўлиш орзусида яшардим, — дейди Эмико. — Ўзбекистон ҳақида кўп эшитгандим. Ўзбекларнинг очиқ кўнгиллиги, меҳмондўстлиги тилларда достон. Мен эса ўзим бунинг шоҳиди бўлдим, қалбдан ҳис қилдим. Ҳа, ҳа, тайёрадан тушаяпман-у менга ҳамма танишдек, қалбимга ажиб бир илиқлик югурди. Ўзбекларнинг меҳрли-оқибатлилигининг гувоҳи бўлдим.

У яна икки ой Тошкентда бўлишини айтиб, уч-тўрт рақсни мукаммал ўрганиб олганимдан сўнг учрашсак яхши бўларди, деди.

Орадан икки ой ҳам ўтди. Эмико Никамура шу қисқа вақт мобайнида бир дақиқани ҳам беҳуда ўтказмади. Эрталаб телестудияга, кундузи дорилфунунга сабоқ олгани борса, кечқурунлари рақс сирларини ўрганиш ниятида таниқли раққосалар билан учрашади. Бу орада Самарқанд, Бухоро, Фарғонага борди. Марғилон «Атлас» фирмаси ишчилари билан учрашув ўтказди. Қундуз Миркаримовадан «Тожикча рақс», Дилафрўз Жабборовадан «Ўйнасам», Малика Аҳмедовадан «Санамэ», Маъмура Эргашевадан «Бухороча» рақсларни ўрганди.

— Икки йил бурун Америкага борганимда, меҳмонхонада ўтирсам, менга бир қучоқ гул келтириб беришди, — деб эслайди. Маъмура Эргашева.— Гул ичидаги хатда: «Санъатингиз ихлосманди Эмико Никамура» деган ёзув бор эди. Шу-шу бўлди-ю, Эмико билан хат ёзишиб турадиган бўлдик. Сўнгги хатида тез орада Тошкентга боришини ёзган эди. Биз уни жуда хурсандчилик билан кутиб олдик.

Тўғри, икки-уч ой ичида ўзбек рақсларини мукаммал ўрганиш қийин. Лекин Эмико ўта зийраклиги, билимдонлиги, санъатнинг ҳақиқий жонкуярлиги туфайли бунга эриша олди десам тўғри бўлади. Ҳар бир ҳаракатни жуда тез илғай олади ва буни кўнгилдагидек бажаради... Эмико Никамуранинг нияти аниқ: ўзбек рақсларини санъат ихлосмандлари қалбига етказиш.

...Эмико ўзбекча рақсга тушмоқда. Оппоқ ҳарир либос, марғилонча дўппи кийган хорижлик гўзал қиз гулдан-гулга учиб ўтаётган капалакдек енгил, нафис ҳаракатлар қилади. Уни беихтиёр «Баҳор» қизларига ўхшатдим. Ажабо, қисқа фурсатда мукаммал ўзбек ўйинларини шунчалик ўзлаштириб олган бўлса...

Хаёлотнинг учқур отида узоқ ўтмишга — қадимий Шарқнинг турли тилда сўзлашувчи, турли либос кийган одамлар билан гавжум шаҳарларга бориб етаман. Не қилганда ҳам заминимиз бир, қуёшимиз бир, қалбимиз бир сен билан, Эмико. Бинобарин, Сизнинг «Тановар»га хиром этишингизга ажабланмаса бўлади. Сиз билан биз назаримда, опасингилнинг фарзандларидекмиз.

Қани, доирачи авжига чиқинг! Азиз дугонажоним, Эмикохоним очилиб-сочилиб ўйнасин!

Мая ОБИДОВА.

СУРАТДА: Эмико Никамура «Сунбула» рақсини ижро этмоқда.
С. МАҲКАМОВ олган сурат.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4720.

№ 23. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилди. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12